# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси




№ 112 (8. 541) ◆ 1994 йил ◆ 21 сентябрь, чоршанба ◆ Сотувда эркин нархда

# ВАТАННИНГ ОЛИЙ МУКОФОТЛАРИ ТОПШИРИЛДИ











**Ўзбекистон давлат мустақиллиги эълон қилинганининг уч йиллиги муносабати билан Президент фармонига биноан бир гуруҳ ватандошларимиз республиканинг олий орден ва медаллари билан тақдирланган эди. 20 сентябрь куни Вазирлар Маҳкамасида ана шу мукофотларни топшириш маросими бўлди. Уни Президент Ислом Каримов**

да ватанга муҳаббат ва садоқат туйғуларини тарбия этиб келмоқда. Абдулла Қодирий — бизнинг замондошимиз. Унинг муборак номи ва руҳи ҳамиша биз билан бирга.

лик» орденининг илк соҳибларига ана шу мукофотларни топшириш шарафидан беҳад мамнунман.

Бугун Ўзбекистонимизда яшаётган барча миллат ва

ман, ватанимиз тараққиёти йўлидаги фаолиятингизга куч-ғайрат, ташаббускорлик, шижоат тилайман. Барчангизга сиҳат-саломатлик, омонлик, оилавий фаровонлик ти-

нат ва жасорати учун Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1994 йил 5 майдаги қарори билан «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилган эди. Республика Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов ана шу юксак унвонни топшириб, «Олтин Юлдуз» олий нишонини юртбошимиз кўксига тақиб қўйди. Йиғилганлар Президент Ислом Каримовни олий мукофот билан қизғин қутлади.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Б. Рафиғалиев, А. Орипов, У. Аширбеков, Шукрулло, З. Муҳаммаджонов, Зулфия, И. Афанасьева, Т. Екель, В. Пак, Т. Каримова камтарона хизматлари юксак қадрлангани учун миннатдорлик билдириб, юрт равнақи, эл фаровонлиги йўлида янада самарали меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Ота-боболаримиз бир орзу билан яшаган, деди Ислом Каримов маросим сўнггида. Бу ҳам бўлса, шу юртни бахтли-саодатли қилиш. Илоҳим, шу уйимиз, ягона

## Бугунги кун нафаси

### РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Югославия Иттифоқ Республикасининг Президенти Зоран Лилич ҳамда шу республика Иттифоқ ҳукуматининг раиси доктор Радо Контич миллий байрам — Мустақиллик куни муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига самимий қутловлар йўлладилар.

● Мамлакатимиз пахтакорларининг уйган хирмонлари 800 минг тоннадан ошди. Ҳосил йиғим-теримида Бухоро, Хоразм, Навоий, Сурхондарё ва Самарқанд вилоятлари деҳқонлари карвонбошилик қилмоқдалар. Уларда кунига йиллик режанинг 2,5-3,5 фоизи миқдорида пахта тайёрланмоқда.

● Жиззахда янги мебель фабрикаси ва ёпиқ бозор фойдаланишга топширилди.

● «Ватан тараққиёти» партияси Марказий кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтган мажлисида бу партиянинг навбатдан ташқари иккинчи қурултойини чақириш ҳақидаги масала кўриб чиқилди.

● Бугун Тошкент вилоятининг Паркент туманида ижодкор ўқитувчиларнинг анъанавий анжумани иш бошлади. Унда республикамизнинг таниқли адиблари ҳам иштирок этмоқдалар.

### ҲАМДЎСТЛИКДА

● Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлат раҳбарларининг мажлиси шу йил 6 октябрдан 21 октябрга кўчирилди.

● 1 октябрдан эътиборан Абхазиянинг махсус комиссияси бу республиканинг Галь туманига қайтиб келмоқчи бўлган қочоқлар аризаларини кўриб чиқишга киришади. Бу Абхазия Олий Кенгашининг раиси В. Ардзинбанинг Россия Президенти Б. Ельцин билан 19 сентябрь куни Сочида бўлиб ўтган учрашувидан сўнг маълум қилинди. Бу кун Б. Ельцин Сочида Грузия раҳбари Э. Шеварднадзе билан ҳам учрашди. Кеча Россия Президенти Сочида икки ҳафталик таътилини тугаллаб, Москвага қайтиб келди.

● Бугун Арманистон давлат мустақиллигининг уч йиллигини нишонламоқда. Шу муносабат билан Ереванда ҳарбий парад ўтказилади.

● Чечен республикаси маъмурларига мухолифатчи Муваққат кенгаш раиси Умар Автурхоновнинг баёнот беришича, бу ерда ҳокимият танглигини ҳал этишнинг тинч йўли қолмади. У бунга Чечен республикасига расмий маъмурлар ва мухолифатчилар ўртасида сулҳ тузиш мақсадида келган Россия собиқ Олий Кенгашининг раиси Руслан Хасбулатовнинг яна Москвага қайтиб кетишга мажбур бўлганлигини сабаб қилиб кўрсатди.

● Россияда шу йилнинг етти ойи мобайнида нефть қазиб олиш режадагидан 4,7 миллион тоннага камайган. Бу йил мамлакатда 292 миллион тонна, бултургидан 6,8 миллион тонна кам нефть қазиб олиниши кутиляпти.

● Грузияда ҳукуматнинг нархларни эркинлаштириши оқибатида нон баҳоси бирданига 300 баробарга ортди. Айни пайтда газ нархи беш баробарга, электр қуввати —11, метрода кира ҳақи эса 50 баробарга ортиши мўлжалланяпти.

### ХОРИЖДА

● Кеча Нью-Йоркда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеясининг 49-сессияси очилди. Ҳозир бу жаҳон ҳамжамиятига 180 мамлакат аъзодир. БМТнинг бу галги Бош ассамблеясида 50 тадан кўпроқ давлат ва ҳукумат раҳбарларининг иштирок этишлари мўлжалланяпти.

